

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ ТИЗИМИДА ДАРС ЖАДВАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ МОДУЛИ

Рахманов К.С., Махманов Б.К., Махманов О.К.

Ушбу мақола давлат хизматчилари фаолиятини юритиш тизимининг асосий модулларидан бири бўлган дарс жадвални шакллантириш моделини ишлаб чиқишига бағишиланган. Мақолада дарс жадвалини шакллантиришдаги асосий мезонлар, унинг иштирокчилари ва ишлаб чиқиши босқичлари таҳлил қилинган ҳолда яратилган дарс жадвали модули ёритилган.

Таянч изборалар: давлат бошқаруви, давлат хизматчиси, мониторинг, ўкув режа, ўкув жараёни сифат кўрсаткичи, ўкув юклама таҳсимоти, академик гурӯх ва аудитория, дарс жадвали модули, автоматлаштириш, компетенция, маълумотлар базаси, ахборот тизими, интеграция, қайта тайёрлаш ва малака ошириш.

Данная статья посвящена разработке модели планирования урока, одного из ключевых модулей системы государственной службы. В статье описывается процесс разработки модуля расписания занятий с обзором основных критериев составления урока, его участников и этапов разработки.

Ключевые слова: государственное управление, государственный служащий, мониторинг, учебный план, качество учебного процесса, распределение учебной нагрузки, академическая группа и аудитория, модуль расписания, автоматизация, компетенция, база данных, информационная система, интеграция, переподготовка и повышение квалификации.

This article is devoted to the development of a lesson planning model, one of the key modules of the civil servants system. The article describes the process of developing a lesson schedule module with an overview of the main criteria for compiling a lesson, its participants and development stages.

It is well known that one of the main mechanisms of the educational process is the class schedule. The more flexible the schedule, the better the quality of the educational process and the more effective it is for teachers to conduct quality lessons. This, in turn, affects the skills of the audience. Of course, developing a class schedule requires finding the golden range, maintaining continuity and the interval between classes. When developing all this, it is necessary to put the interests of the audience in the first place. It is important to remember that it is important to create a weekly register in educational institutions, which will constitute a weekly register.

When planning training, it is necessary to follow the logical sequence of training. This should be done in accordance with the specifications of the subjects and type of classes (lectures, seminars, typing, webinars, online lectures, English, etc.). Of course, it is important to give lectures at the beginning of the school day and at the end of the semester in order to provide more communication between teachers and students, providing practical classes and training, including a weekly load (28-36 hours).

One of the most important issues when developing a class schedule is collision avoidance. This course describes what is needed to solve these problems when developing a table, and it is designed and put into practice in the form of software.

Keywords: public administration, public servant, monitoring, syllabus, quality of the educational process, distribution of academic load, academic group and lecture hall, timetable module, automation, competence, database, information system, integration, retraining and advanced training.

I. КИРИШ

Таълим муассасалари ўқув жараёнида таълимнинг замонавий сифатини ташкиллаштиришнинг энг муҳим жиҳатларидан бири сифатли дарс жадвалини шакллантириш ҳисобланади. Сифатли дарс жадвалини тузишида, биринчи навбатда ўқув фанлари бўйича ўқув режа, талабалар гурухлари тақсимоти, профессор-ўқитувчилар таркиби, семестрлар бўйича кафедра ўқув юкламаси, ўқув машғулотлари ўтиш хоналари тўғри тақсимланганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Дарс жадвалини тўғри тақсимлаш асосида ўқув жараёнини оптималлаштириш, талабаларни, шу жумладан, профессор-ўқитувчиларни психологик ва жисмоний зўриқишиларини олдини олиш каби муаммоларни бартараф этиш имконини яратиш талаб этилади. Бу орқали ўқув жараёнидаги сифат таъминланади.

Албатта дарс жадвалини тузиб чиқишида машғулотлар орасидаги узвийлик ва ўзаро интервални саклаб қолиш орқали олтин оралиқни топиш талаб этилади. Буларнинг барчасини ишлаб чиқишида биринчи ўринга тингловчилар манфаатларини қўйиш лозим, яъни уларга фанларни ўзлаштириш қулай ва фойдали бўлиши лозим. Шуни назарда тутиш керакки, ҳар ҳафта янгидан дарс жадвалини тузиш назарда тутилган таълим муассасаларида уни тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Дарс жадвалидаги ўқув машғулотларини режалаштиришда фанларни ўқитишининг мантиқий кетма-кетлигига риоя қилиш лозим. Бунда албатта фанларнинг спецификасидан ва машғулот тури (маъзуза, семинар, теринг, вебинар, онлайн маъзуза, инглиз тили ва бошқалар)дан келиб чиқкан ҳолда амалга ошириш лозим.

Шунингдек, маъruzаларни ўқув кунининг бошида, маъruzаларни семестр охирига бориб камайтириш, амалий машғулот ва тренингларни кўпайтириш орқали профессор-ўқитувчи ва тингловчилар учун кўпроқ мулоқот олиб боришга имкон яратиш лозим.

II. АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775 сонли Қарорида белгиланган вазифалар [1], жумладан, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда олий таълим муассасаларининг иштироки ҳамда ташаббускорлигини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш, инновацион ва технологик ғояларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда кўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг инновацион технологияларни яратиш борасидаги ташаббускорлигини ошириш юзасидан аниқ чоралар кўриш каби вазифаларни амалга оширишда бу тизим муҳим аҳамият касб этади.


Шуни таъкидлаш керакки, дарс жадвалини самарали ташкил қилишда кўплаб жиҳатларга эътибор бериш талаб этилади [2-11]. Хусусан, поток ва кичик гурухларни ташкил этилиши, гурухдаги тингловчилар сони ва аудитория ҳажми, дарс фондини тақсимланиши, профессор-ўқитувчилар юклamasи ва улар томонидан ўтиладиган фанлар тақсимоти, фанлар бўйича маъруза, амалиёт, семинар ва тренинг орқали машғулотларни олиб борилиши, ҳар бир таълим даргоҳининг ўзига хослиги асосида муайян мақсадлар ва бошқарув ҳукуқларини ҳисобга олган ҳолда дарс жадвалини шакллантирилиши катта аҳамиятга эга.

Демак, бу жараённи барча эҳтимолликларни ҳисобга олган ҳолда автоматлаштириш долзарб масала ҳисобланади. Замонавий ўқув жараёни талабларига жавоб берадиган ўқув машғулотлари учун мақбул дарс жадвалини автоматлаштиришга эришиш учун куйидаги вазифалар қўйилган [2-11]:

- дарс жадвалини шакллантириш учун аввал ишлаб чиқилган автоматлаштирилган тизимларнинг функционалligини тизимли таҳлил қилиш;
- дарс жадвалини шакллантириш муаммоларини ҳал қилиш учун усуllар ва алгоритмлар таҳлили;
- дарс жадвалини автоматлаштириш тизимини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш, тестлаш ва амалиётга жорий этиш.

Дарс жадвали моделини ишалб чиқишида хорижий тажрибалардан фойдаланиш билан бирга методология сифатида математик моделлаштириш ва тизимли таҳлил, маълумотларни таҳлил қилиш, реляцион маълумотлар базасини лойиҳалаштириш, календар-режани шакллантириш усуллари, объектга-йўналтирилган дастурлаш технологиялари, ахборот тизимларини ишлаб чиқиш тамоилларидан фойдаланилган.

Дарс жадвалини шакллантириш қўйидаги кетма-кетлик асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ (1-расм).



1-расм. Дарс жадвалини шакллантириш механизми

Дарс жадвалини шакллантиришда биринчи навбатда тасдиқланган ўқув режа ва график асосида кафедра ўқув юкламаси тузилади, профессор-ўқитувчилар таркиби аниқланади ҳамда ўқув юкламасини тақсимоти амалга оширилади. Тақсимот қилиш жараёнидан кейин ўқув машғулотлари хоналари тақсимоти тузилиб, шу асосида дарс жадвали автоматлаштирилади.

Ушбу дарс жадвалини шакллантиришда иштирок этадиган фойдаланувчи тоифалари қўйидагилар:

- Администратор – тизимнинг барча модулларини назорат қилиш, ташкил этиш ва маълумотлар устида амаллар бажариш;
- Ўқув-методик бўлим – ўқув жараёнига тегишли маълумотларни яратиш, бошқариш, таҳлил қилиш ва юритиш ҳамда ўқув фаолияти, ўқитувчилар ва тегишли статистик маълумотларни шакллантириш;
- Декан –факультетга тегишли бўлган тингловчилар маълумотларни шакллантириш, бошқариш ва назорат қилиш;
- Кафедра мудири –кафедрага тегишли маълумотларни шакллантириш, бошқариш, тингловчиларнинг ўзлаштириш ва давомат маълумотларни шакллантириш;


– Ўқитувчи – тингловчиларнинг ўзлаштириш ва давомати тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва назорат қилиш, ўз портфолиосини тўлдириш.

Ўқув бўлим томонидан бажариладиган асосий ишлар 2-расмда келтирилган.




2-расм. Ўқув бўлими ролининг асосий имкониятлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси (кейинчалик Академия) ва унинг худудий филиалларида дарс жадвалини шакллантириш масаласи ўқув бўлими, филиаллар, кафедра ва факультет фоалиятининг асосий бўғини ҳисобланади. Кафедра мудири томонидан бажариладиган асосий ишлар натижасида профессор-ўқитувчи юкламаси шаклланади (3-расм).



3-расм. Кафедра мудири ролининг асосий имкониятлари

Ўқув бўлими томонидан дарс жадали шакллантирилади (4-расм).



4-расм. Ўқув бўлими ролининг асосий имкониятлари

Кафедра фаолиятига тегишли маълумотларни шакллантириш, саклаш ва ишлов бериш учун кафедра мудири персонал кабинетида қуидаги маълумотлар жадваллари ва дастур интерфейслари ишлаб чиқилади. Бу интерфейс тизимда профессор-ўқитувчиларни қайд қилиш ва уларни бошқариш учун хизмат қиласди.

Ўқув режасининг фанлар бўйича машғулотлар турлари (маъруза, амалий, семинар, тренинг ва бошқа) тўғрисидаги маълумотларни, академик груп ҳосил қилиш модулида таълим йўналишлари бўйича тингловчилар академик групҳлари тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва бошқариш мумкин. Бу модулда қуидаги маълумотлар жадвали тасвирланган:

- академик груп ID рақами;
- факультет ID рақами;
- таълим тури ID рақами;
- таълим йўналиши ID рақами;
- академик груп номи.

Ўқув режасидаги фанлар (номи, юкламаси, муддати) тўғрисидаги маълумотларни киритиш учун 5-расмда ва бошқариш учун 6-расмда тасвирланган интерфейс хизмат қиласди.

Аудиториялар ва ўтказиш жойи модулида машғулот ўтказиш жойлари, ўқув хоналар ва аудиториялар тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва бошқариш учун хизмат қиласди (7-расм). Аудитория тоифасига шу хонада утилиши мумкин бўлган машғулотлар турларининг барчаси киритилади.

Таълим йўналишларига ўқув фанларини бириттириш

Асосий Ўқув курслари Таълим йўналишларига ўқув фанларини бириттириш

Таълим йўналишларига ўқув фанларини бириттириш

Фан блоки *
-Танланг-

Фан номи *
-Танланг-

Кафедра *
-Танланг-

Ўзлаштириш қайдномаси шакли *
-Танланг-

Назорат шакли *
-Танланг-

Сақлаш

5-расм. Ўқув режасидаги фанлар тўғрисидаги маълумотларни киритиш

ЎҚУВ РЕЖА фанларини шакллантириш

Асосий ЎҚУВ РЕЖА фанларини шакллантириш

Ўқув или Таълим йўналиш тури Таълим йўналиши

2018-2019 магистратура давлат бошқаруви OK

+ Ўқув режа фанини киритиш

#	Таълим йўналиши	Фан номи	Фан блоки
1	Давлат бошқаруви	Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегияси	Давлат бошқарув таянч фэнлари
2	Давлат бошқаруви	Бошқарувнинг маънавий асослари	Давлат бошқарув таянч фэнлари
3	Давлат бошқаруви	Ўзбек ва жаҳон адабиёти	Давлат бошқарув таянч фэнлари
4	Давлат бошқаруви	Давлат бошқаруви	Давлат бошқарув таянч фэнлари
5	Давлат бошқаруви	Лидерлик	Давлат бошқарув таянч фэнлари
6	Давлат бошқаруви	Бошқарува АҚТ ва "электрон ҳукумат"	Давлат бошқарув таянч фэнлари

6-расм. Ўқув режасидаги фанлари тўғрисидаги маълумотларни бошқариш

Маълумотлар жадвалида қўйидагилар тасвирланган:

- аудитория рақами ёки номи;
- аудитория тоифаси;
- аудитория ўлчами (10x30x2);
- аудитория сигими (ўринлар сони);
- жавобгар шахс;

- жойлашган жойи;
- аудитория жиҳозланиши.

Аудиториялар ва ўтказиш жойини қўшиш

[Асосий](#) > Аудиториялар ва ўтказиш жойи > Аудиториялар ва ўтказиш жойини қўшиш

The screenshot shows a web-based application for managing auditoriums. At the top, there's a blue header bar with the title 'Аудиториялар ва ўтказиш жойини қўшиш'. Below the header, there are several input fields and dropdown menus. The first row contains fields for 'Аудитория рақами ёки номи *' (Auditorium number or name), 'Аудитория тоифаси *' (Auditorium type), 'Аудитория ўлчами (10x30x2) *' (Auditorium dimensions), and 'Аудитория сиғими (ўринлар сони) *' (Auditorium capacity). The second row contains 'RFID Reader қурилмаси рақами' (RFID reader number), 'Аудитория жиҳозланиши *' (Auditorium equipment), 'Жавобгар шахс *' (Responsible person), and 'Жойлашган жойи *' (Location). Below these fields is a section labeled 'Расми' (Official) with a file upload field showing 'Выберите файл' (Select file) and a message 'Файл не выбран' (File not selected). At the bottom right is a green 'Сақлаш' (Save) button.

7-расм. Аудиториялар ва ўтказиш жойи модули

Машғулотлар графиги модули бир кунлик дарс графиги (паралар ва уларнинг бошланиш ва тугаш вақтлари) тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва бошқариш учун хизмат қиласди.

Маълумотлар жадвалида қуйидагилар тасвирланган:

- пара ID рақами;
- ўқув йили ID рақами;
- пара номи.

Дарс жадвали модули академик гурухларнинг дарс жадвали (фан номи ва мавзуси, машғулот тури, ўтказилиш вақти ва жойлари ҳамда машғулотни ўтказувчи профессор-ўқитувчи) тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва бошқариш учун хизмат қиласди.

Дастур интерфейсида қуйидаги саҳифалар шаклланиб борилади:

- дарс жадвалини киритиш;
- дарс жадвалини таҳирлаш;
- дарс жадвалини кўриш (8-расм).

Дарс жадвалини шакллантириш интерфейсида шакллантирилган ўқув юклама тақсимотига кўра аудиториялар ва машғулот ўтказиш жойи модулига кўра машғулот ўтказиш жойи белгиланган саналарга ёки ўқув семестрларига бириктирилиб чиқиш асосида амалга оширилади.

Дарс жадвалини киритишда агарда белгиланган сана ва вақтда бирорта гурухга аввал машғулот ўтказиш жойи белгиланган бўлса, бу хабар автоматик тарзда фойдаланувчи интерфейсида пайдо бўлади. Бу эса машғулот ўтказиш хоналари устма-уст бўлиб қолишини олдини олишга

ёрдам беради. Шу жумладан, профессор-ўқитувчиларга дарсмашғулотларини бир вактда бўлишини олдини олиш масаласини ҳам кўриб чиқилган ва ҳал этилган. Дарс жадвалини чоп этиш модули орқали эса академия ўқув жараёни дарс жадвалини кўриш ва чоп қилиш учун хизмат қиласди. Энди биз ҳафталик шакллантирилган дарс жадвали 9-расмда кўришимиз мумкин бўлади.

Дастур интерфейсида кўйидаги саҳифалар шаклланиб борилади:

- академик гурӯҳ дарс жадвалини чиқариш;
- тингловчилар дарс жадвалини кўриш;
- ўқитувчи дарс жадвалини чиқариш;
- дарс жадвалини чоп этиш.

Қарши ҳудудий филиалининг ўқув машғулот дарс жадвали				
Ўқув йили	Гурӯҳ	Ўқув семестр		
2018-2019	212-18 МО	10-ҳафта (10.12.2018 - 15.12.2018)		OK
Душанба				
Жуфтлик	Фан	Машғулот тuri	Машғулот ўтказиш жойи	Профессор-ўқитувчи
2	Ўзбекистон Республикаси Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти	Маъруза	101	
3	Тайм-менежмент: вақтдан унумли фойдаланиш	Тренинг	101	
4	Тайм-менежмент: вақтдан унумли фойдаланиш	Тренинг	101	
5	Тайм-менежмент: вақтдан унумли фойдаланиш	Тренинг	101	
6	Тайм-менежмент: вақтдан унумли фойдаланиш	Тренинг	101	

8-расм. Ҳафталик дарс жадвали тақсимоти

Ушбу модул орқали факультетга тегишли академик гурӯҳлар ва факультетда фаолият олиб бораётган ўқитувчилар дарс жадвалини кўриш учун хизмат қиласди. Дарс жадвални ҳафталик шаклда гурӯҳ, аудитория, профессор-ўқитувчи каби кесимларда чоп этиш мумкин.

III. ХУЛОСА

Ушбу тизим орқали Академия дарс машғулотларида ўқитувчи ва тингловчи тайёргарлик даражаси сифат кўрсаткичини мониторинг қилиш ва бошқа ўқув жараёни модуллари билан узвий интеграцияси эса замонавий таълим сифатини таъминлаш имконини яратиб беради.

Демак, дарс жавдални муваффақиятли тузиш кўйидаги натижаларга таъсир қиласди:

- билим бериш сифати;

- таълимнинг натижадорлигига;
- профессор-ўқитувчилар ва тингловчилар учун таълимнинг қулайлиги.

Бу дастурий таъминотни ихтиёрий олий таълим муассасаси, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари учун керакли қўринишда созлаб жорий этиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

- [1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775 сонли Қарори. lex.uz
- [2] Рахманов К.С., Махманов Б.К. Давлат бошқарувида давлат хизматчилари фаолиятини мониторингини юритувчи тизим //«Иқтисодиётнинг тармоқларини инновацион ривожланишида Ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти Республика илмий-техник анжуманининг маъruzалар тўплами 2-қисм ТАТУ – Тошкент, Ўзбекистон. 14-15 март 2019 йил. 74-76 б.
- [3] Рахманов К.С., Махманов Б.К. Давлат бошқарувида давлат хизматчилари фаолияти мониторингини моделлаштиришнинг ўрни // “Давлат бошқарувида рақамлаштириш: муаммо ва ечимлар” мавзуидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари//Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Тошкент 2019 й. 16-18 б.
- [4] Рахманов К.С. Давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаб бориш // “Фундаментал математика муаммолари ва уларнинг татбиқлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. 1 қисм. Навоий -2019, 2019 йил 25 май. 35-37 б.
- [5] Хасанов О.А., Рахманов К.С., Махманов Б.К. “Smart Learning” ахборот тизими. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига ЭҲМ учун яратилган дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома. №DGU 06538. Ўзбекистон Республикаси электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар давлат реестрида 04.06.2019 йилда Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказилган.
- [6] Воробович О.Н., Воробович Н.П. Метод формирования расписания занятий студенческих групп в высшем учебном заведении // Вестник КГТУ. Выпуск 33. Математические методы и моделирование. / КГТУ. Красноярск:, 2004 – с.166-176.

- [7] Клеванский Н.Н., Пузанов А.А., Рубцов О.Г. Модели и методы многокритериальной оптимизации расписаний ВУЗа. Вестник СГТУ. 2006. № 4 (17). Выпуск 2, с.77-83.
- [8] Жуматаева Ж.Е., Калдjanов Б.Б. Автоматизация составления расписания учебных занятий с применением нейронных сетей // Научное сообщество студентов XXI столетия. технические науки: сб. ст. по мат. Л междунар. студ. науч.-практ. конф. № 2(49). Новосибирск 2017. С. 65-71
URL: [https://sibac.info/archive/technic/2\(49\).pdf](https://sibac.info/archive/technic/2(49).pdf).
- [9] Хасухаджиев А.С., Сибикина И.В. Обобщенный алгоритм составления расписания в ВУЗе с учетом новых требований Федеральных Государственных образовательный стандартов. ISSN 2072-9502. Вестник АГТУ. Сер.: Управление, вычислительная техника и информатика. 2016. №3, с.78-86.
- [10] Shoshana Hahn-Goldberg. Defining, Modeling, and Solving a Real University Course Timetabling. <https://tidel.mie.utoronto.ca/pubs/Theses/hahn-goldberg.msc.pdf>.